

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.03/30.12.2019.В.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОБИЛОВ АЗИЗ МУХТОРОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚОРА-ҚИР КЎЛИДАГИ ФИТОПЛАНКТОН
ҲАМДА МАКРОФИТЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ
БАЛИҚЧИЛИКДА ҚЎЛЛАШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қобилов Азиз Мухторович

Бухоро вилояти Қора-қир кўлидаги фитопланктон ҳамда
макрофитларни ўрганиш ва уларни балиқчиликда қўллаш
биотехнологияси..... 3

Қобилов Азиз Мухторович

Изучение фитопланктона и макрофитов озера Кара-кыр Бухарской
области и биотехнология их применения в рыбоводстве..... 21

Kobilov Aziz Mukhtorovich

Biotechnology of study and application of phytoplankton and macrophytes
in fish farming in Kara-kyr lake Bukhara region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОБИЛОВ АЗИЗ МУХТОРОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚОРА-ҚИР КЎЛИДАГИ ФИТОПЛАНКТОН
ҲАМДА МАКРОФИТЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ
БАЛИҚЧИЛИКДА ҚЎЛЛАШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/B221 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бўриев Сулаймон Бўриевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимжанова Холисхон Алимжановна
биология фанлари доктори, профессор

Тоҳиров Бахтиёр Бахшиллоевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.V.72.02. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «23» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12; e-mail: bsu_info@edu.uz, Бухоро давлат университети биноси, Блок № 1, 2 - қават, конференциялар зали).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишни мумкин (№ 4 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2020 йил «07» 09 кун тарқатилди.
(2020 йил «07» 09 №1 даги рақамли реестр баённомаси).



А.Э. Холлиев
Илмий тараққийлар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Н.Э. Рашидов
Илмий тараққийлар берувчи илмий кенгаш
ишчи хативи, б.ф.и., доцент

С.Б. Бақоев
Илмий тараққийлар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг бузилиши ва табиий заҳираларнинг камайиши шароитида аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш бирламчи вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу ўринда, сув ҳавзаларининг барқарорлигини таъминлаш, гидробионтлар биохилма-хиллигини сақлаш ва замонавий усуллар орқали балиқ маҳсулдорлигини кўпайтириш муҳим саналади. Шу боис, табиий ва сунъий сув ҳавзалари гидрокимёвий ҳолатини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадор биотехнологик усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда антропоген босимга мойил сув ҳавзаларини ҳолатини мониторинг қилиш, улардаги гидробионтлар ҳолатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва истиқболли турларини самарадор ишлаб чиқишга, жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, локал ҳудудларда тарқалган ички сув ҳавзалари гидрологик ва гидрокимёвий кўрсаткичларининг ўзгаришлари аниқланди ва турли гидробионтлар, жумладан, сув ўтлари асосида балиқчиликни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, ички сув ҳавзалари орасида арид ҳудудларида тарқалган сув ҳавзалари гидрологик режимининг ўзига хослиги, гидрокимёвий таркибининг ўзгарувчанлиги уларда тарқалган гидробионт организмларнинг ҳам хилма-хил бўлишига олиб келган. Балиқчиликни ривожлантириш нуқтаи-назаридан бундай сув ҳавзалари тубан ҳамда юксак сув ўсимликларини флорасини аниқлаш ва истиқболли турларини кўпайтиришнинг экологик-самарадор усуллари ишлаб чиқиш – балиқ маҳсулдорлигини биотехнологик асосда оширишнинг манбаи саналади. Шу нуқтаи-назардан, турли сув ҳавзалари флорасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, озучабоп бўлган турларни кўпайтириш ва улардан биомасса олиш, олинган биомассани балиқларга қўшимча озуча сифатида қўллаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамизда сув ҳавзаларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, биоресурсларини муҳофазалаш ва улардан иқтисодиёт тармоқларида самарадор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, сув ҳавзаларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди, сув омборлари ресурсларидан фойдаланиш йўллари тартибга солинди, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹, жумладан, «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Қора-қир кўлининг гидробиологик ҳолати ва кўлдаги ўсимлик турларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш биотехнологиясини яратиш ва кўлнинг экологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳолатини яхшилаш бўйича чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўлларда учрайдиган тубан ва юксак сув ўсимликлар таркибида физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни кўпайтириш, балиқларга озуқа сифатида қўллаш борасида хорижлик олимлардан М.М. Watanabe (2005); М. Lakaniemi, С. J. Hulatt (2011); N. Zhou, Y. Zhang (2012); Н. G. Gerken (2013); G. Mathew (2016) ва бошқа кўпгина олимлар томонидан ўрганишга бағишланган.

К.А. Гусева (1956); А.В. Шарендо (2003); М.Г. Азовский (2004); Н.И. Богданов (2008); Д. С. Дворецкий (2015); Н.П. Дмитриевичлар (2017) сув ҳавзаларида тарқалган тубан ва юксак сув ўсимликларининг тарқалиши, экологияси ва балиқларнинг сув ўсимликлари билан озиқланиши бўйича тадқиқот ишлари олиб боришган.

Ўзбекистондаги сув ҳавзаларида тарқалган сув ўсимликлари ва уларнинг фойдали хусусиятлари, таркибида физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни кўпайтириш, биомасса олиш, олинган биомассани қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган ва олинган натижалар И.А. Киселев (1930); А.Э. Эргашев (1969); Т.Т. Таубаев (1971); С. Келдибеков (1981); А. А. Ахунов (1992); З.А Баходирова (1993); Н.Э. Рашидов (2007); С.Бўриев (2014); М.А. Абдуллаев (2003); Д.С. Ниёзов (2017) ва бошқа олимлар ишларида ёритилган.

Бироқ келтирилган ушбу маълумотлар кўлнинг ҳозирги ҳолати - гидробиологияси, сувнинг кимёвий таркибини тўлиқ ўрганишга асос бўлиб хизмат қила олмайди. Чунки, ташқи экологик омилларнинг ҳамда иқлимнинг ўзгариши ва сувларнинг ифлосланиши натижасида кўллар ҳолатининг

ўзгаришига сабаб бўлган. Юқорида келтирилган маълумотлар ишнинг долзарблигини асослайди. Қолаверса, ушбу йўналишда олиб борилган натижалар асосида Қора-қир кўлининг альгофлорасини ўрганиш натижасида юксак сув ўсимликларнинг етакчи турларини аниқлаш ва улардан физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни кўл сувида кўпайтириб, ўсимликхўр балиқларга озуқа сифатида қўллаш биотехнологияси яратилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети Биология кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бухоро вилояти кўлларининг гидробиологик ҳолатини ўрганиш” (2016-2018) ва ИТД-7-39 “Бухоро вилояти худуди ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кадастрини юритиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қора-қир кўлининг альгофлораси ва юксак сув ўсимликларининг етакчи турларини аниқлаш ҳамда истикболли турларидан балиқчиликда фойдаланишнинг биотехнологик усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қора-қир кўлининг гидрокимёвий таркиби ва балиқ турларини аниқлаш; кўлнинг фитопланктон турларини аниқлаш ва *Chlorella vulgaris*нинг альгологик тоза ҳужайрасини ажратиб, унинг кўл сувида кўпайиши ҳамда сувни органо-минерал моддалардан тозалаш даражасини аниқлаш;

юксак сув ўсимликлари турларини аниқлаш ва *Lemna minor* ўсимлигини кўл сувида кўпайишини, сувни органо-минерал моддалардан тозалашни ўрганиш;

физиологик фаол моддаларга бой бўлган микроскопик ва юксак сув ўсимликларини лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида кўпайтириш ва уларни балиқчиликда ўсимликхўр балиқларга озуқа сифатида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти Қора-қир кўлида учрайдиган тубан сувўтига мансуб *Chlorella vulgaris* тури, юксак сув ўсимликларидан эса *Lemna minor* тури ва *Hypophthalmichthys molitrix* балиғидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети. Бухоро вилояти Қора-қир кўлидаги тубан ва юксак сув ўсимлик турлари, уларни кўпайтириш, сувнинг физик-кимёвий таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда альгологик, флористиканинг маршрутли, лаборатория ва математик статистик таҳлил услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Қора-қир кўлида альгофлоранинг 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 26 оила, 35 туркумига мансуб 139 тури, юксак сув ўсимликларининг 16 та оила, 24 туркумга мансуб 34 та тури аниқланган;

Қора-қир кўлининг гидрокимёвий таркиби ва унинг мавсумий ўзгарувчанлиги аниқланган;

Chlorella vulgaris ва *Lemna minor* ларнинг альгологик тоза ҳужайраси

ажратиб олинган ва уни лаборатория шароитида сувларни органико-минерал моддалардан тозалаш даражалари асосланган;

Chlorella vulgaris ва *Lemna minor* ларнинг турли озика мухитларида кўпайиш ва биомасса ҳосил қилиш хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кўллар ва коллектор сувларининг минераллашув даражасини пасайтиришда яшил сувўтлари *Chlorella vulgaris* дан фойдаланишнинг биотехнологик усули ишлаб чиқилган;

фитопланктонлардан *Chlorella vulgaris* лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида кўпайтирилиб, ўсимликхўр балиқларга табиий озука сифатида қўллаш биотехнологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган классик, замонавий усул ҳамда илмий ёндошувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, сув ўсимликларининг турлари ва формаларини амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилояти Қора-қир кўли ўсимликларининг турлар таҳлили амалга оширилганлиги, кўлдаги озука бўладиган турлар тўғрисида кенг кўламли маълумот берилганлиги, озуқабоп турларни кўпайтириш ва улардан биомасса олиш, олинган биомассани балиқларга озука сифатида қўлланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қора-қир кўли биохилма-хиллигини ўрганиш, муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш, озуқабоп турлардан мақсадли фойдаланиш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва кўлнинг гидробиологик ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги дастлабки маълумотлар олинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилояти Қора-қир кўлидаги фитопланктон ҳамда макрофитларни ўрганиш ва уларни балиқчиликда қўллаш биотехнологияси ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Chlorella vulgaris ва *Lemna minor* ни самарадор кўпайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Бухоро вилояти балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2020 йил 12 февралдаги 08/163-сон маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хавзаларида ўтхўр балиқлар маҳсулдорлиги оширувчи зарурий миқдордаги биомасса олиш имконини берган;

кўлларни самарадор балиқлаштиришда мунтазам равишда ўтказилиб турилиши лозим бўлган балиқ турлари ва меъёрлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Бухоро вилояти балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2020 йил 12 февралдаги 08/163-сон

маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хавзаларида балиқ маҳсулдорлигини гектарига 1,5-2 баробарга ошириш имконини берган;

Қора-қир кўлидаги камайиб кетаётган фитопланктон организмлар, уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти бўлими амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 19 февралдаги 03-02/8-423-сон маълумотномаси). Натижада фитопланктонлар ҳисобига гектарига 4-5 дан 6-7 кг гача кўп балиқ олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон сув хавзаларининг тубан ва юксак сув ўсимликлари ҳамда уларни ишлаб чиқаришда қўллаш”** деб номланган биринчи бобида хорижий давлатлар ва Ўзбекистонда сув хавзаларидаги тубан ва юксак сув ўсимликларнинг ўрганилганлик даражаси, тарқалиши, физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни кўпайтириш биотехнологиясига доир тадқиқотларнинг замонавий талқини тўғрисида маълумотлар келтирилган. Республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи, хусусан тубан ўсимликларнинг турларини аниқлаш ва амалий аҳамиятга эга турларни кўпайтириш борасида олинган илмий ва амалий натижалар батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот манбалари, ўрганиш услублари ва шароити”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш шароити,

бошланғич манбалари ва услублари келтирилган бўлиб, унда изланишлар Бухоро давлат университетидеда бажарилганлиги баён этилган.

Тадқиқот ишлари 2015-2019 йилларда дала ва лаборатория шароитида олиб борилган. Сув намуналарни йиғишда Қора-қирнинг барча системалари (Катта Қора-қир, Кичик Қора-қир, Аквариум) қамраб олинди. Сувнинг кимёвий таркибини аниқлашда Н.С.Строгонов (1980), Ю.Ю. Луье (1984) услублари бўйича Бухоро давлат университетининг Биотехнология ва ихтиология илмий-тадқиқот лабораторияси, Вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси илмий лабораториясида амалга оширилди. Сувнинг физик хусусиятларини (сувнинг ҳарорати, тиниқлиги, лойқалиги) аниқлаш дала шароитида амалга оширилган.

Кўлдан тубан сувўтларнинг намуналарини йиғиш ва аниқлашда умумий қабул қилган альгологик (Голлербах, Полянский, 1951) услублари бўйича аниқланган. Сувўтларни таҳлил қилишда А.Э. Эргашев (1979), А.М. Музаффаров, А.Э. Эргашев, С.А. Халилов (1987), Х.О. Олимжонова (2015) илмий ишланмаларидан фойдаланилган. Микроскопик сувўтларни ўстиришда А.М. Музаффаров (1986) тавсия қилган озуқа муҳитларидан фойдаланилган. Қора-қир кўлининг юксак сув ўсимликларининг рўйхатини тузишда ва тур таркибини аниқлашда “Определитель растений Средней Азии” (1968-2015), ҳамда ЎзР ФА Ботаника институтининг Floguz тизими бўйича аниқланган. Кўлда учрайдиган юксак сув ўсимликларини экологик гуруҳлашда С. Келдибеков (1981), В.М. Катанская (1981) услубларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Қора-қир кўли сувининг гидрокимёвий таркибини, микроскопик сувўтлари ва юксак сув ўсимликларини, балиқ турларини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида Қора-қир кўлининг гидрокимёвий таркиби ва ихтиофаунаси, тубан ва юксак сув ўсимликларининг қисқача систематик таҳлили, мавсумий учраши ва турли хил экологик гуруҳларда тарқалиши тўғрисида маълумотлар берилган. Қора-қир ва Шимолий зовур сувларининг гидрокимёвий таркиби ўрганилган.

Кўлда сувнинг оқими бўлмаганлиги сабабли, баҳорда, ёзда ва кузда фитопланктонларнинг ҳамда зоопланктонларнинг фаоллик билан ривожланганлиги сабабли муаллақ моддаларнинг кўрсаткичлари юқори. Кўлдаги қуруқ қолдиқларнинг миқдори ёз ва куз фаслларида кўплиги, Бухоро вилоятида ёз ҳамда куз фаслларида ҳаво ҳарорати юқори бўлганлиги сабабли сувнинг буғланиши натижасида қуруқ қолдиқлар миқдорининг кўпайиши таҳлил қилинди.

Қора-қир кўли сувларининг таркибидаги хлоридлар 3,6-3,7 г/л, сульфатлар миқдори 5,0-5,2 г/л концентрацияда бўлиши, сувларнинг буғланиш ҳисобига мавсумий шўрланиш даражаси хлоридлар ва сульфатлар ҳисобига эканлиги аниқланди.

Сув таркибидаги биоген элементлар азотли ва фосфорли бирикмалар, кўлдаги тубан ва юксак сув ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Шу сабабли сувда кислороднинг миқдори кўпаяди ва улар фасллар давомида 6,6 – 6,8 мг/л ҳисобида сақланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қора-қир кўлидан жами 100 дан ортиқ намуналар йиғилди ва таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида тубан сувўтлари 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 26 оила, 35 туркумга мансуб 139 тур ва тур хиллари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Қора-қир кўли сувўтларининг таксономик таҳлили

№	Бўлим	Таксономик бирликлар сони					Жами турларга нисбатан % ҳисобида
		Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур	
1	Bacillariophyta	3	7	9	11	52	37,41
2	Chlorophyta	4	8	12	14	41	29,50
3	Суанophyta	1	3	4	8	34	24,46
4	Euglenophyta	1	1	1	2	12	8,63
	Жами:	9	19	26	35	139	100,00

Қора-қир кўли Шимолий коллектор сувининг йиғилиши натижасида ҳосил бўлган. Кўлдан сув чиқиб кетмайди. Шунинг учун ҳам турлар сони кам учради. Bacillariophyta бўлимига тегишли бўлган 52 (43 тур, 9 вариация) турлари билан етакчилик қилиб, жами сувўтларининг 37,14 % ташкил қилади. Кейинги ўринларда Chlorophyta (41 тур, 29,29 %), Суанophyta (34 тур 24,29 %), Euglenophyta (12 тур, 9,29 %) бўлимлари ташкил этади.

Аниқланган сувўтларининг мавсумий тарқалиши мавсум давомида йиғилган намуналар орқали аниқланди. Сувўтларнинг мавсумий тарқалиши сувнинг ҳарорати ва рН каби омиллар таъсирида ўзгариб туради. Сувўтларнинг мавсумий тарқалиши бўлимлар бўйича таҳлил қилинди. Бунга кўра, баҳор ойларида 108 тур аниқланди, бу эса жами турларнинг 29 % ни ташкил қилди.

Диатом сувўтларидан *Diatoma*, *Synedra*, *Cymbella*, *Navicula* туркумига тегишли турлар энг кўп тарқалган. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати юқори бўлганлиги учун бошқа фаслларга нисбатан турлар сони юқори бўлди. Ёз мавсумида 120 та (32%) тур аниқланди. Куз фаслида 83 (28%) тур, қишда 39 (11%) тур сувўтлари аниқланди.

Қора-қир кўлида олиб борилган тадқиқотлар натижасида юксак сув ўсимликларининг 16 та оила, 24 туркумга мансуб 34 та тури аниқланди. Бу ўсимликлар 3 та экологик гуруҳга – соҳил бўйиларида нам жойларда (гигрофитлар), сувга ярим қисми ботган (гидрофитлар) ва тўлиқ ёки катта қисми сувга ботган ҳолда ўсувчи (гидатофитлар) гуруҳларига бўлиб ўрганилди. Кўлнинг қирғоқларига яқин жойларида гигрофитлар билан бир қаторда мезофитлар ва ксерофитлар ҳам учраб туради. Бу экологик гуруҳларга кирадиган ўсимликларнинг учраши асосан ўсимликларнинг вегетация даврида кўлдаги сув сатҳининг ўзгариши билан боғлиқ. Кўл

худудида аниқланган 34 тур ўсимликлардан гигрофит экологик гуруҳда 13 (38,23 %) тур, гидрофитлар 10 (29,47 %) тур, гидатофитлар 11 (32,35 %) турларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг “Қора-қир кўли сувларида фитоплантонни, макрофитларни ўстириш” тўртинчи боби фитопланктонлардан *Chlorella vulgaris* ни, юксак сув ўсимликларидан *Lemna minor* ни лаборатория шароитида Шимолий коллектор ва Қора-қир кўли сувларининг органико-минерал моддалардан тозалаш даражаси, ҳар хил озучавий муҳитларда кўпайтириш, улардан яшил биомасса олиш ва балиқчилик хўжаликларидан озуча сифатида қўллаш борасида қилинган ишлар келтирилган.

Альгологик тоза ҳужайраларнинг зовур сувларида кўпайиши ва сувларни органико-минерал моддалардан тозаланишини ўрганиш учун лаборатория шароитида тажрибалар ўтказилди(2-жадвал).

2-жадвал

Қора-қир кўли ва Шимолий зовур сувларининг *Chlorella vulgaris* ўстирилгандан кейинги физик- кимёвий таркиби

№	Кўрсаткичлар	Шимолий зовур		Қора-қир кўли	
		Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба
1	Ҳарорат С ⁰	22,5±0,47	25,5±0,38	24,5±0,51	25,5±0,38
2	Ранги	тиниқ	яшил	тиниқ	яшил
3	рН	6,5	7,5	7,0	7,5
4	Муаллақ моддалар, мг/л	65,0±1,8	10,2±0,32	74,0±2,3	11,2±0,41
5	Қуруқ қолдиқ, г/л	5,0±0,17	3,5±1,2	11,0±0,36	9,5±0,31
6	Сувда эриган кислород миқдори, мг О ₂ /л	6,6±0,19	12,5±0,47	7,0±0,2	13,4±0,45
7	Кислороднинг биокимёвий сарфланиши (КБС ₅), мг О ₂ /л	13,1±0,36	1,2±0,04	17,0±0,52	0,5±0,02
8	Азот аммоний, мг/л	2,2±0,07	йўқ	2,0±0,04	йўқ
9	Нитритлар, мг/л	0,04±0,001	йўқ	0,03±0,001	йўқ
10	Нитратлар, мг/л	7,8±0,28	йўқ	5,0±0,17	йўқ
11	Хлоридлар, г/л	0,78±0,02	0,54±0,02	3,3±0,13	3,0±0,12
12	Сульфатлар, г/л	3,9±0,15	3,7±0,14	4,5±0,14	4,2±0,17
13	Фосфатлар, мг/л	0,1±0,003	йўқ	0,15±0,006	йўқ
14	Темир, мг/л	0,1±0,002	йўқ	0,1±0,003	йўқ

Тажрибалар ўтказишдан олдин Қора-қир кўли ҳамда унга қуйиладиган Шимолий коллектор сувларидан намуналар келтирилиб, уларнинг физик-кимёвий таркиби аниқланди. Лаборатория шароитида Шимолий зовур ҳамда Қора-қир кўли сувларидан фойдаланиб, 5 литрлик идишларда тажрибалар ўтказилди. Ҳар бир намуналарга альгологик тоза *Chlorella vulgaris* ҳужайрасидан 1 мл сувга 1,5 млн донадан экилди. *Chlorella vulgaris*

хужайраларининг кўпайиши Горяев камераси орқали аниқлаб борилди. Тажриба 6 кун давом этди. Тажриба давомида Шимолий зовур сувларида хужайралар сони 10,5 млн/мл, Қора-қир кўли сувида эса 12,8 млн/мл гача кўпайди. Хлоридлар ва сульфатлар миқдорининг маълум даражада камайиши кузатилди.

Юксак сув ўсимликлардан *Lemma minor* ўсимлиги ёрдамида сувнинг органино-минерал моддалардан тозалаш даражалари ўрганилди. Сувларнинг физик- кимёвий таркиби аниқлангандан кейин, лаборатория шароитида идишларга солинган сувларнинг 0,25 м² сув юзасига 50 граммдан *Lemma minor* ўсимлиги экилди. Зовур сувларида *Lemma minor* ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши 6 кун давомида кузатилди(3-жадвал).

3- жадвал

Шимолий зовур ва Қора-қир кўли сувларнинг *Lemma minor* ўстирилгандан кейинги физик-кимёвий таркиби


№	Кўрсаткичлар	Шимолий зовур		Қора-қир кўли	
		Назорот	Тажриба	Назорот	Тажриба
1	Ҳарорат °С	22,5±0,67	23,5±0,84	23,5±0,68	24,8±0,73
2	Ранги	тиниқ	тиниқ	тиниқ	тиниқ
3	рН	6,5±0,26	7,0	7,0±0,28	7,5
4	Муаллақ моддалар, мг/л	65,0±2,8	8,5±0,23	74,0±2,7	10,4±0,33
5	Қуруқ қолдиқ, г/л	5,0±0,22	3,0±0,11	11,0±0,35	7,5±0,29
6	Сувда эриган кислород миқдори, мг О ₂ /л	6,6±0,19	10,5±0,41	7,0±0,24	11,2±0,84
7	Кислороднинг биокимёвий сарфланиши (КБС ₅), мг О ₂ /л	13,1±0,42	1,5±0,05	17,0±0,54	1,0±0,04
8	Азот аммоний, мг/л	2,2±0,08	йўқ	2,0±0,07	йўқ
9	Нитритлар, мг/л	0,04±0,001	йўқ	0,03±0,009	йўқ
10	Нитратлар, мг/л	7,8±±0,28	йўқ	5,0±0,19	йўқ
11	Хлоридлар, г/л	0,78±0,02	0,49±0,01	3,3±0,12	2,7±0,08
12	Сульфатлар, г/л	3,9±0,15	3,1±0,13	4,5±0,17	3,8±0,15
13	Фосфатлар, мг/л	0,1±0,004	йўқ	0,15±0,004	йўқ
14	Темир, мг/л	0,1±0,003	йўқ	0,1±0,004	йўқ

Тажриба давомида сувнинг ҳарорати 25-30 °С, ёруғлик 10-15 минг люкс атрофида сақланди. Тажриба охирида *Lemma minor* ўсимлигининг ҳосилдорлиги Шимолий зовур сувида 175 г/м², Қора-қир кўли сувида 210 г/м²ни ташкил қилди. Зовур сувларида *Lemma minor* ўсимлиги экилиб, сувларнинг физик-кимёвий таркиби аниқланди.

Тажрибалар натижасида *Lemma minor* ўсимлигининг зовур сувларида

кўпайиши натижасида муаллақ моддаларнинг ва қуруқ қолдиқларнинг камайиши, сувда эриган кислороднинг 10,4-11,2 мг/л гача ошганлиги аниқланди. Сув таркибидаги органик моддалар микроорганизмлар томонидан парчаланиб, *Lemna minor* томонидан ўзлаштирилди. Натижада сув таркибида кислороднинг биокимёвий сарфланиши 1,0- 1,5 мг O₂/л гача камайганлиги қайд этилди. Зовур сувлари таркибидаги азотли аммоний, нитритлар, нитратлар, фосфатлар ҳамда темирнинг *Lemna minor* ни кўпайиши учун сарфланганлиги кузатилди ва айти пайтда эса сув таркибидаги хлоридлар ва сульфатларнинг маълум миқдорда камайганлиги аниқланди.

Диссертациянинг бешинчи боби “Қора-қир кўлида фитоплантонлар ва макрофитларни кўпайтириш ва балиқчиликда қўллаш” га бағишланган. *Chlorella vulgaris* ни лаборатория шароитида кўпайтириб, биомасса олиш учун минерал озукавий муҳит - “04” ни тайёрлаб, 4 литр сувга мўлжаллаб керакли тузлар ўлчаб олинди. Назорат учун тайёрланган озуқа муҳитига ва кўл суви қуйилган идишларга 1 мл 2,0 млн хужайра солиб чиқилди. Ажратиб олинган *Chlorella vulgaris* хужайралари идишга экилди. Биринчи кун хужайралар сони 1 мл да 2,0 млн дона эди. Уларнинг ўсиши, хужайраларнинг бўлиниб кўпайиши ҳар куни микроскоп остида кузатиб борилди. Хужайраларнинг иккитадан тўрттагача, саккизтагача бўлиниб кўпайиши қайд этилди. Ҳар куни суспензиядан 1 мл олиниб, Горяев камераси ёрдамида микроскоп остида санаб борилди. Тажриба давомида ҳаво ҳарорати 22-26 °С, ёруғлик 5-10 минг люкс атрофида сақланиб турилди (1-расм).




1-расм. *Chlorella vulgaris*нинг “04” озуқавий муҳитида ўсиши

Сувўтлар ўсаётган муҳитининг рН кўрсаткичи 7,0-7,5 атрофида. Тажриба 6 кун давом этди. Олтинчи кундан кейин хужайраларнинг ўсиш ва кўпайиш тезлиги камайди. Бунга сув таркибида “04” озуқа муҳити

камайганлиги сабаб бўлди. 6 кун давомида ҳужайралар сони 45,4 млн гача кўпайди. Кўл сувида экилган *Chlorella vulgaris* 6-кунга келиб 13,4 млн ҳужайрани ҳосил қилди.

Chlorella vulgaris нинг гўнг шарбатида ўсиши ва ривожланишини аниқлаш учун ҳар хил концентрацияда гўнг шарбати тайёрланди. Бир литр сувга 3,0/6,0/10,0/15,0 г гўнг солиниб 4 хил концентрацияли гўнг шарбати тайёрланди. Уларга *Chlorella vulgaris* нинг 1,5 млн дона ҳужайраси экилди. Тажриба 6 кун давомида кузатилди.

Ўтказилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, 1 литр сувга 3 г қуруқ гўнг тайёрланган шарбатдаги *Chlorella vulgaris* нинг ҳужайралар сони 6 кун ичида 1 мл да 26,2 млн ҳужайрани ташкил қилди. Бу тажрибадаги ҳужайралар сони ва ҳосилдорлигининг камлиги, уларнинг кўп миқдорда ўсиши учун озуканинг камлигидандир. Бир литр сувга 6 г гўнг қуйиб тайёрланган вариантдаги ҳужайралар сони 1 мл да 35,8 млн донага, 10 г солиб тайёрланган гўнг шарбатидаги вариантда 32,1 млн донани ташкил қилди. 15 г солиб тайёрланган шарбатда ҳужайралар сони ва ҳосилдорлиги кам бўлди. Демак, бир литр сувга 6, 10 г гўнг солиб тайёрланган шарбатдаги сувўтларнинг сони ва ҳосилдорлиги яхши бўлар экан. 15 г вариантдаги шарбатда органик моддаларнинг кўп бўлганлиги сабабли, улар яхши ривожлана олмади. Бу вариантдаги ҳужайралар катталашиб кетганлиги ҳамда тез сарғайиб қолиши кузатилди. *Chlorella vulgaris* ҳужайраларининг гўнг шарбатида кўпайиш динамикаси 2-расмда келтирилган.




2-расм. *Chlorella vulgaris* сувўтининг гўнг шарбатида ўсиш динамикаси

Lemna minor нинг ўсиш ва ривожланиш ҳамда ҳосилдорлигини аниқлаш учун лаборатория шароитида минерал озукавий муҳитлар Кноп,

Накамура ва кўл суvidан фойдаланилди. Минерал моддалардан эритмалар тайёрланиб, тўртбурчак ва шарсимон идишларга экилди. *Lemna minor* нинг биринчи эккан вақтидаги қалинлиги 0,25 м² сув юзасига 50 г ҳисобида экилди. Кноп озукавий муҳитда 10 кун давомида 50 дан 1047,3 г гача, Накамура муҳитида 50 дан 878,4 г гача кўпайди. Кўл сувида экилган *Lemna minor* озиқ муҳитларига нисбатан ўсиши секин борди. 50 г экилган *Lemna minor* 10 кундан кейин 197,2 г ни ташкил қилди. *Lemna minor* нинг биомассаси кундалик, 3 кундан ва тажриба охиридагиси аниқлаб борилди.

Тажриба давомида Кноп озукавий муҳитда *Lemna minor* нинг қўшимча биомассаси 993,3 г/м² ни, кундалик ўсиш 99,3 г/м² ни ташкил қилди. Накамура озукавий муҳитида қўшимча биомассаси 828 г/м², кундалик ўсиш 82,8 г/м² ни, кўл сувида эса 147,2 г/м², кундалик ўсиш 14,7 г/м² ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. *Lemna minor* нинг ўсиш динамикаси

Lemna minor ўсимлигини сув ҳавзаларнинг яқинида кўпайтириш ва тўғридан тўғри ҳовузларга юбориш балиқ маҳсулдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Юқорида ўтказилган тажрибаларнинг натижаларига асосланиб, Бухоро вилояти Қора-қир кўли атрофидаги кичик ҳовузларда *Lemna minor* ўсимлигини кўпайтириб балиқчилик фермерларида боқилаётган оқ амур балиғига қўшимча озиқа сифатида қўллаш балиқ маҳсулдорлигининг оширишга олиб келади.

Ажратиб олинган *Chlorella vulgaris* нинг тоза альгологик ҳужайраси, ҳар хил озукавий муҳитда кўпайтирилиб, “Пешкў балиқ” МЧЖга қарашли балиқчилик хўжаликларидаги оқ дўнгпешона балиғига озук а сифатида қўлланилди ва балиқ маҳсулдорлиги 25-30 % гача ошганлиги, сувни кислород билан бойитиши ва сув таркибида “сувни гуллашга” олиб келадиган кўк-яшил сувўтларини камайитириши аниқланди. Юқорида

ўтказилган тажрибалар асосида олинган натижаларидан фойдаланиб, балиқчилик хўжалиklarининг ҳовузлари яқинида 25 м³ ҳажмли 2 та бассейндарда *Chlorella vulgaris* кўпайтирилди.

Суспензия таркибидаги хужайралар сони 40-50 млн хуж/мл бўлгандан сўнг ҳовузларга юборилди. Бассейнда 50 % суспензия қолдирилди ва устига кўл сувидан солиниб яна минерал ўғитлар ва гўнг шарбатлари ёрдамида озиклантирилди. 2-3 суткадан сўнг тайёр бўлган суспензия яна ҳовузга юборилди. *Chlorella vulgaris* апрель ойидан октябрь ойининг бошларигача мунтазам равишда дўнгпешона балиқлари боқиладиган ҳовузларга альголизация қилиб турилди. Ҳовуздаги оқ дўнгпешона балиғининг оғирлиги ҳар 30 кунда ўлчаб борилди. Тажрибалар 2018 йилнинг апрел ойидан 2019 йилнинг октябрь ойигача олиб борилди. 2018 йил сув ҳавзасига юборилган балиқларнинг ўртача оғирлиги 84,6-86,4 граммли эди. Шу йилнинг охирига келиб, назорат учун олинган балиқларнинг ўртача оғирлиги 516,6 г ни ташкил қилган бўлса, тажриба кўйилган сув ҳавзасидаги балиқларнинг ўртача оғирлиги 827,3 г ни ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Hypophthalmichthys molitrix нинг вегетация даврида ўсиш кўрсаткичи (2018 йилнинг апрель-октябрь ойлари)

Балиқ ўсишини назорат қилиш вақтлари	Балиқларнинг ўртача оғирлиги (грамм)		
	Назорат	Тажриба	Назоратга нисбатан фоиз ҳисобида (%)
20.04.2018	84,7±1,2	86,4±1,2	102,0
22.05.2018	107,2±1,3	128,8±2,1	120,1
21.06.2018	154,4±2,2	251,6±2,5	162,9
19.07.2018	301,2±4,5	454,9±6,3	151,0
23.08.2018	459,5±5,9	673,8±10,1	146,6
20.09.2018	498,2±6,4	766,5±9,1	153,8
15.10.2018	516,6±7,2	827,3±14,0	160,1
Қўшимча маҳсулдорлик	431,9	740,9	171,5

Тажрибалар шуни кўрсатдики, 2018 йилда ташланган 84,6-86,4 граммли балиқларнинг тажриба ва назоратдагиларнинг фарқи 310,7 грамм ташкил қилди. Балиқларнинг оғирлиги октябрь ойига келиб назоратдагига нисбатан 37,5 % га ошганлиги, балиқларнинг қўшимча маҳсулдорлиги эса назорат учун танланган балиқларда 431,9 грамм тажрибада 740,9 граммни қайд этди. Йил охирида *Hypophthalmichthys molitrix* нинг оғирлиги назоратга нисбатан 310,7 граммга, балиқлар маҳсулдорлиги эса 41,7 % га ошганлиги аниқланди.

Микроскопик сувўтлари билан балиқларни озиклантириш 2019 йилда ҳам амалга оширилди. Ҳовузларга *Chlorella vulgaris* суспензиясини альголизация қилиш апрель ойининг бошларида амалга оширилди. Назорат учун олинган балиқларнинг оғирлиги 473,4 грамм, тажрибадагиларнинг оғирлиги 785,5 граммли эди. Тажриба учун олинган ҳовузга ҳар 2-3 суткада


20-25 м³ суспензия юбориб турилди. Октябрь ойига келиб балиқларнинг оғирлиги назоратга нисбатан 36,8 % ошганлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

***Hypophthalmichthys molitrix* нинг вегетация даврида ўсиш кўрсаткичи (2019 йилнинг апрель-октябрь ойлари)**

Балиқ ўсишини назорат қилиш вақтлари	Балиқларнинг ўртача оғирлиги (грамм)		
	Назорат	Тажриба	Назоратга нисбатан фоиз ҳисобида (%)
12.04.2019	473,4±6,6	785,5±12,56	165,9
10.05.2019	503,9±6,5	863,3±15,53	162,6
14.06.2019	556,5±7,7	972,1±16,52	174,6
09.07.2019	725,3±8,7	1190,8±21,4	164,1
10.08.2019	914,8±11,8	1429,4±20,2	156,2
11.09.2019	977,3±13,6	1535,8±19,9	157,1
08.10.2019	1003,7±13,03	1588,5±20,6	158,2
Қўшимча маҳсулдорлик	530,3	803	151,4

Йил охирига келиб тажрибадаги балиқларнинг ўртача оғирлиги 1588,5 граммни, назоратдаги балиқларнинг ўртача оғирлиги эса 1003,7 граммни ташкил қилди. Назорат ва тажриба вариантлари орасидаги фарқ 584,8 грамм бўлди (4-расм).



4-расм. *Hypophthalmichthys molitrix* нинг ўсиш динамикаси

Балиқларнинг қўшимча маҳсулдорлиги назоратда 530,3 граммни, тажрибадаги эса 803 граммни кўрсатди. Қора-қир кўлидаги “Пешкў балиқ” МЧЖга қарашли балиқчилик хўжалигида 2018-2019 йилларда балиқ маҳсулдорлиги оқ дўнгпешона балиғи ҳисобига 35-40 % га оширилди.

ХУЛОСАЛАР

“Бухоро вилояти Қора-қир кўлидаги фитопланктон ҳамда макрофитларни ўрганиш ва уларни балиқчиликда қўллаш биотехнологияси” мавзусидаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қора-қир кўли сувининг минераллашув даражаси 9,0-11,5 г/л, сувда эриган кислороднинг миқдори 6,6-6,8 мг/л, кислороднинг биокимёвий сарфланиши 11,7-20,3 г О₂/л, хлоридлар 3,6-3,7 г/л, сульфатлар миқдори 5,0-5,2 г/л ни ташкил этади ва унинг ўзгарувчанлиги мавсумий характерга эга.

2. Қора-қир кўлининг альгофлораси 139 тур дан иборат бўлиб, улар 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 26 оила, 35 туркумга мансуб. Юксак сув ўсимликларининг эса 16 та оила, 24 туркумга мансуб 34 та тури тарқалган.

3. *Chlorella vulgaris* хужайраларининг сони 1,5 дан 10,5-12,8 млн/мл гача кўпайиши ҳисобига, сувлар таркибидаги азотли бирикмалар - нитритлар, нитратлар, фосфатлар ҳамда темир элементлари *Chlorella vulgaris* хужайралари томонидан тўлиқ ўзлаштирилади ва бу сувларни органико-минерал моддалардан тозалаш имконини беради.

4. *Lemna minor* нинг зовур сувларида кўпайиши натижасида сувдаги муаллақ моддалар ва куруқ қолдиқларнинг камайиши, сувда эриган кислород миқдорининг 6,6-6,8 дан 10,4-11,2 мг/л гача ошиши, хлорид ва сульфатлар миқдорининг эса 25-30% гача камайиши кузатилади.

5. “04” озуқа муҳитида экилган *Chlorella vulgaris* нинг 2,0 млн/мл хужайраси 45,4 млн/мл, гўнг шарбатида 22,8-35,8 млн/мл ва кўл сувида эса 13,4 млн/мл гача ошади.

6. *Lemna minor* нинг 50 г/м² биомассаси Кноп озуқа муҳитида 1047,3 г/м², Накамура озуқа муҳитида 878,4 г/м², кўл сувида эса 197,2 г/м² биомасса ҳосил қилади ва бу ўсимликни кўпайтиришда Кнопа озуқа муҳити минераллардан фойдаланиш самарали эканлиги билан изоҳланади.

7. *Chlorella vulgaris* хужайрасини балиқчиликда табиий озуқа сифатида қўллаш учун лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида ҳар хил озуқавий муҳитларда кўпайтирилиб, ўсиши жадаллиги ва биомассаси аниқланди. Дала шароитида – бассейнларда кўпайтирилган *Chlorella vulgaris* доимий равишда балиқ боқиладиган ҳовузларга альголизация қилиб турилиши натижасида балиқ маҳсулдорлиги *Hypophthalmichthys molitrix* балиғи ҳисобига гектарига 4-5 дан 6-7 кг.га ошириш эришилади.

ТАВСИЯЛАР

1. Бухоро вилоятидаги кўллар ва коллектор сувларининг минераллашувини пасайтиришда яшил сувўтлари *Chlorella vulgaris* дан фойдаланиш ҳамда Қора-қир кўлидаги тубан ўсимликларнинг мавсумий биомассаси аниқланганлиги натижасида кўлни *Hypophthalmichthys molitrix* балиғи билан балиқлаштириш тавсия қилинади.

2. *Chlorella vulgaris* ни ўстириш учун махсус лотоклардан ҳажми 25 м³

бўлган қурилмадан, озуқа муҳити сифатида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (қорамол, қўй ва бошқ.) гўнги (6 г/л) шарбати ва минерал моддалардан (азот, аммофос, калий) фойдаланиш мумкин. Сувўтларини озуқа муҳитга экиш вақтидаги зичлиги 2,0-2,5 млн/мл хужайра бўлишини таъминлаш керак ҳамда озуқа муҳитини вақт-вақти билан насослар орқали аралаштириб туриш тавсия этилади.

3. Сувўтини ўстириш натижасида керакли биомасса йиғиб олингандан сўнг кейинги биомассани олиш учун суспензияга ҳар 5-7 кунда минерал озуқа муҳити бериб турилади. Қурилмалар меъёрида ишлаб турганда ҳар битта қурилмадан 5 кеча-кундуз давомида 40-45 кг ҳўл биомасса олиш имконияти бўлади. Олинган сувўтлар биомассаси Бухоро балиқчилик хўжалигига *Hypophthalmichthys molitrix* балиғини боқишда ҳамда суспензиядан ажратиб олинган қуруқ биомасса эса омукта озуқа тайёрлашда жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАБИЛОВ АЗИЗ МУХТОРОВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ ФИТОПЛАНКТОНА И МАКРОФИТОВ ОЗЕРА КАРА-
КЫР БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ И БИОТЕХНОЛОГИЯ ИХ
ПРИМЕНЕНИЯ В РЫБОВОДСТВЕ**

03.00.12–Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2018.2.PhD/B221 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.buxdu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу www.ziyouet.uz.

Научный руководитель: Бурнев Сулаймон Буриевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Алимжанова Холлисон Алимжановна
доктор биологических наук, профессор

Тохилов Бахтиёр Бахшиллоевич
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Гулистанский Государственный университет

Защита диссертации состоится «23» 09 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.B.72.02 при Бухарском государственном университете (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол 11. тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12; e-mail: bsu_info@edu.uz, на здание Бухарского государственного университета, Блок № 1, 2 - этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Бухарском государственном университете (Зарегистрированный номерам № 4). (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол 11. тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12).

Автореферат диссертации разослан «07» 09 2020 г.
(протокол реестра № 1 от 07, 09


А.Э. Холлиев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор
Н.Э. Рашидов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, к.б.н., доцент
С.Б. Бакаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях изменения климата, деградация окружающей среды и истощения природных ресурсов в мире обеспечение населения качественными продуктами питания остается одной из первоочередных задач. В связи с этим, важно обеспечить устойчивость водоемов, сохранить биоразнообразие гидробионтов и повысить рыбопродуктивность современными методами. Поэтому, определение гидрохимического статуса естественных и искусственных водоемов и разработка эффективных биотехнологических методов их использования имеют важное научное и практическое значение.

Особое внимание уделяется мониторингу состояния водоемов с антропогенной нагрузкой в мире, выявлению факторов, влияющих на состояние гидробионтов в них и интродукции перспективных видов для эффективного освоения. В связи с этим были выявлены изменения гидрологических и гидрохимических параметров внутренних водоёмов, в том числе распределенных на локальных территориях и разработаны пути развития в них рыболовства на основе различных гидробионтов, в том числе водорослей. Следует отметить, что специфика гидрологического режима водоемов, распределенных в аридных районах между внутренними водоёмами, изменчивость гидрохимического состава привели к разнообразию распространенных в них организмов гидробионтов. С точки зрения развития рыбоводства, такие водоемы являются источником биотехнологического повышения рыбопродуктивности - выявления флоры низших и высших одноклеточных растений и разработки экологически эффективных методов разведения перспективных видов. В связи с этим важно определить специфические характеристики флоры различных водоемов, воспроизвести и получить биомассу от питательных видов, использовать полученную биомассу в качестве добавки к рыбе и повысить рыбопродуктивность имеет важное научное и практическое значение.

В настоящее время особое внимание уделяется мониторингу состояния водных объектов в стране, охране биологических ресурсов и их эффективному использованию в различных отраслях экономики. В этой связи, в частности, радикально усовершенствована система управления водными ресурсами, регламентировано использование ресурсов водохранилищ, разработаны меры по развитию рыбоводства в искусственных водоемах. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены¹, в частности, задачи «... последовательного развития сельскохозяйственного производства». Исходя из этих целей, включая определение гидробиологического состояния озера Кара-кыр и видов растений в озере, создание биотехнологий для их эффективного использования и разработка мер по улучшению экологического состояния озера имеет большое научное и практическое значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»

